

Муҳтарам кенгаш қатнашчилари!
Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда самимий кутлайман.
Мазкур анжуман БМТ Тараққиёт дастури — савдо ва тараққиёт конференцияси кўмағида, кўпгина мамлакатлар ва бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш дастурининг ажралмас қисми ҳисобланади.
Назаримда, кенгашнинг асосий мақсади бу гоёна амалга оширишда ҳамкорлик қилиш йўлларини қидиришдан иборат.

ТАБРИКНОМА
Халқаро ва минтақавий ташкилотларни ҳам қўлдан ҳолда барча манфаатдор томонларнинг саяё-ҳаракатларини бирлаштириш зарурияти шунга тақозо этади.
Марказий Осиё учун долзарб бўлган мамлакатлараро юк ташини муаммоларига йирик миқдосдаги иқтисодий ўзгаришларнинг узвий бир бўлаги деб қарамоқ лозим. Чунки, замонавий, ривожланган транспорт инфратузилмасисиз давлатларимиз саноатидан тўла фойдаланиб бўлмайди.
Европа ва Осиё ўртасида

қитғалараро кўприкнинг барпо этилиши умумий иқтисодий тараққиёт ва минтақа аҳолисининг фаровонлигига эришишда муҳим ўрин эгаллашга ишончим комил.
Андижон — Үш — Қашқар автомобиль йўлини қайта қуриш ва бу йўналишда темир йўл қуриш бўйича уч томонлама лойиҳанинг амалга оширилиши жаҳондаги иқтисодий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг янги имкониятларини очиб беради.
Транспорт йўллари ривожлантиришнинг бу йўналиши уш-

бу анжуманда иштирок этаётган ҳамда минтақавий ва жаҳон савдо-иқтисодий, маданий ва технологик интеграциясига қўшилганга иштирокчи бўлган мамлакатларга мос эканига аминман.
Бу нуфузли анжуман уч томонлама «Андижон — Үш — Қашқар» лойиҳаси иштирокчилари бўлган давлатлар ҳамда барча манфаатдор томонларнинг саяё-ҳаракатларига янги куч бағишлайди, деб умид қиламан.
Кенгаш иштирокчиларига ишлари самарали бўлишини тилаламан.
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Муҳтарам кенгаш қатнашчилари!
Барчангизни халқларимиз учун ўта муҳим бўлган масалани муҳокама этини учун йиғилганингиз билан кутлашдан мамнунман.
Иқтисодий тараққиётда ишончли транспорт инфратузилмасининг аҳамияти беқийсдир. Чунки темир йўллар ва автомобиль йўллари — мамлакатларимиз ўртасидаги асосий юк ташини воситаси бўлган муҳим, айрим ҳолларда эса ягона транспорт қон томирларидир.
Биз савдо қиладиган асосий шерикларимиз — қўшни

мамлакатлар Ўзбекистон ва Хитой билан транспорт алоқаларини яхшилаш муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.
Буюк ипак йўли бўйлаб йўлга қўйилган алоқа туғайли қадим пайтлардан бери Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида мустақам савдо ва маданий алоқалар мавжуд бўлиб, бу алоқалар минтақамиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Бутунги кунда ҳам «Андижон — Үш — Қашқар» темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлини қайта қуриш билан биз қадимий ипак йўлини

қайта тиклашимиз. Бу йўл бизга ташқи дунёга чиқишимиз учун кенг имкониятлар очиб беради ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига тезроқ интеграциялашуви мизга кўмаклашади. Шунинг учун мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши, ҳақиқатан ҳам, тарихий аҳамият касб этади. У бизга келажак сари, ХХІ аср сари йўл очилишимизга имконият яратади!
Бу гоёна амалга ошириш кўп жиҳатдан сизларга, ҳамкорлигимизнинг дастлабки, тайёрлов босқичи қай даражада муваффақиятли ўтиши-

га ҳам боғлиқ. Кенгашнинг барча иштирокчиларига ишлари самарали бўлишини тилайман. Барчамизнинг умумий саяё-ҳаракатимиз туғайли бу лойиҳа инша тушirilшига ҳамда биз мамлакатларимизни фаровонлик сари етказган «Андижон — Үш — Қашқар» темир йўли очилишининг гувоҳи бўлишимизга ишончим комил. Бу йўлда халқини ҳақиқатта айлантира оладиган шижоатимиз ҳамроҳимиз бўلسин!
Аскар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

Ватани севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МЕҲРИБОНЛИК
Халқ демократик партияси Урганч туман кенгаши «Меҳрибонлик» хайрия тadbiri утказди. Туманда яшаб ижод қилаётган ноғирон ёшлар ўзларининг асарлари, халқ хунармандчилиги намуналари билан кургазмада иштирок этдилар.
Кургазмада намойиш қилинган халқ амалий санъати намуналари савдоси утказилиб, улар харидорлар томонидан муносиб баҳосини олди.
Туман партия ташкилоти кургазмада фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшларга қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари топширди.
Рўзимбой ҲАСАН.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 26 апрель, шанба № 49 (22.133).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 апрель кунини АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора кенгайиб бораётганини қайд этар экан, ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишида манфаатлар ва интилишлар муштараклиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимини ташкил қилган вазири Абдулазиз Комиллов иштирок этди. (ЎЗА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сақкизинчи сессияси 24 апрель кунини Тошкентда иш бошлади.
Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.
Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, элчилар, хорижий давлатлар дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.
Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.
Сессия иштирокчилари иш бошлашдан олдин Олий Мажлис депутаты А. Холмуродов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсладилар.
Сессиянинг ишчи органи — котибият тўзилди, кун тартиби тасдиқланди.
Парламент ўз ишини кун тартибидеги дастлабки икки масалани — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқишдан бошлади. Шу масалалар юзасидан Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова маъруза қилди. Қонун лойиҳаси ва ҳисобот юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг директори М. Раҳмоновнинг, республика Хотин-қизлар кумитасининг раиси, Ўзбекистон Бош вазирининг уринбосари Д. Гуломов, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, «Тасис» дастури, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этаётган ушбу анжуманда Буюк ипак йўлини тиклаш, Марказий Осиё минтақасида юзага келган янги давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жаравини жадаллаштириш мақсадида янги транспорт алоқаси тармоқларини вужудга келтириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. Айниқса, қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, яъни Марказий Осиё ва Хитой, Покистон, Ҳиндистонни бир-бири билан боғлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Үш — Қашқар йўналишини ушбу халқаро кенгаш кун тартибидеги энг долзарб мавзу бўлди.
Зеро, қадимда кўплаб мамлакатлар учун ягона алоқа тармоғи вазирасини утаган Буюк ипак йўлининг тикланиши Осиё билан Европани боғлайдиган узага хос кўприкка айланиш билан бирга, мазкур минтақалардаги давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, қолаверса, тинчлик ва барқарорликнинг муштаҳамланишида ҳам муҳим омил бўлади. Шу боис, айтиш пайтда автомобиль йўли билан бирга Андижон — Үш — Қашқар йўналишидаги темир йўл магистралини барпо этиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўзбекистонлик ва қирғизистонлик мутахассислар ушбу магистраль қурилишининг жуғрофий, физикангий, техник томонларини урганиб, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.

Халқаро кенгаш иши мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида «Андижон — Үш — Саритшо — Ирқештам» автомобиль йўлини ҳамкорликда лойиҳалаштириш, қайта қуриш ва фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди.
Шунингдек, кенгаш йиғилишида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, «Узавтйўл» давлат ҳиссadorлик концерни раҳбарлари ҳамда БМТнинг тараққиёт дастури мутахассислари, хитойлик ва қирғизистонлик вакиллари Осиё — Европа кўпригини барпо этиш борасидаги тадқиқотлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.
Анжуманда Бош вазир уринбосари Р. Юнусов иштирок этмоқда.
Халқаро кенгаш 26 апрель кунини ўзини давом эттирди. (ЎЗА).

Сунгра депутатлар Солиқ кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқишда) тўғрисида бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А. Аҳадовнинг маърузасини тингладилар. Лойиҳа юзасидан Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, «Интер-Осиё» корпорациясининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш бўйича маслаҳатчиси К. Йулдошев, Туркўл туманидаги «Шураҳон» ширкатлар уюшмасининг раиси А. Абдукаримов, Қашқадарё вилояти «Нуроний» фахрийлар кенгашининг раиси С. Усмонов сўзга чиқди.
Депутатлар Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонунни қабул қилдилар.
Парламент аъзолари Табиий монополиялар ҳақидаги қонун лойиҳасини қўриб чиқишга киришдилар. Бу масала юзасидан иқтисодий ислохотлар ва тadbirkorликни ривожлантириш бўйича кумитаси раиси уринбосари Т. Фаёзуллоев маъруза қилди. «Узнефгаз» миллий корпорациясининг «Узнефгазкомплект» бирлашмаси бош директори уринбосари М. Вакилов, Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Оролбўй бўлими бошлиғи Т. Темирбоев, Сурхондарё вилояти Сарисой тумани ҳокими К. Холдоровнинг чиқишларидан сунг қонун қабул қилинди.
Кенгаш мажлисида депутатлар Ахборот олий кафолатлари ва эркинлиги ҳамда Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда қўриб чиқдилар. Бу қонун лойиҳалари юзасидан Матбуот ва ахборот кумитаси раиси У. Ҳошимов маъруза қилди.
Бу ҳужжатларни муҳокама қилишида Урганч тумани ҳокими К. Нуниев, Халқ демократик партияси Шахрихон тумани кенгашининг биринчи котиби М. Отабобов, Учқурган туманидаги 20-мактаб директори Х. Курбоналиев, Қарши шаҳри ҳокими Ш. Беғмафот, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарининг уринбосари, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири Э. Аъзамов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Урганч Давлат университетининг ректори А. Садуллаев катнашдилар.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз сўзида лойиҳаси муҳокама этилаётган қонунлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда улам аҳамиятга эга экани, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг тугган урни ва вазибалари тўғрисида батафсил тўхтади.
Парламент бу қонунларни қабул қилди.
Иқтисодий ислохотлар ва тadbirkorликни ривожлантириш кумитаси раиси А. Йулдошев Божона кодекси ва Бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.
Муҳокамада Навоий вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг директори У. Рузикулов, Тошкент тумани ҳокими А. Йўлчиев, «Шуртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи А. Абдуназаров, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Фаргона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Сирдарё вилоятидаги «Ўрта Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси Ф. Фозиллов, Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов иштирок этди.
Парламент иккала лойиҳани биринчи ўқишда маъқуллади.

Депутатлар қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.
Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш кумитаси раиси И. Кочмарик Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ангрен шаҳри ҳокими Т. Анорбоев, Фаргона туманидаги ва ипгазлама ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Т. Исмоилов, «Узэлектротехсаноат» уюшмаси раиси Р. Саримсоқов, Шахрисабз электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А. Болтаев нутқларидан сунг бу қонун қабул қилинди.
Сунгра парламент аъзолари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кумитаси раиси Г. Йулдошевнинг Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темиров, Бекбод тумани ҳокими М. Расулов, Фаргона Давлат университети тиббий марказ кафедраси мудирини Ю. Нишоннов лойиҳа хусусида уз мулоҳазаларини билдирдилар. Қонун қабул қилинди.
Геодезия ва картография тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кумитаси раисининг уринбосари П. Қодиров маъруза қилди. Бу лойиҳа хусусида Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини м е х а н и з а ц и я л а ш муҳандислари институтини кафедраси мудирини Ш. Йулдошев сўзга чиқди. Қонун қабул қилинди.
Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш кумитаси раиси И. Кочмарик Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Нукус шаҳри ҳокими А. Амедов, «БК ИНТРАНС» акционерлик жамияти раиси Б. Қосимов сўзга чиққандан сунг қонун қабул қилинди.
Сунгра Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кумитаси раисининг уринбосари М. Икромовнинг маърузасини тинглаб, республиканинг айрим қонун ҳужжатларига узгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, савдо, матбуот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди, бир қанча халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилди.
Саккизинчи сессия котибияти раҳбари, Галлароқ тумани ҳокими Т. Мурзоқов сессия кунларида парламент номига келган телеграммалар, хатлар ва бошқа муносабатлар ҳақида ахборот берди.
Сунгра депутатлар Олий Суд таркибига узгартиш киритдилар. Қўкон шахрининг чегараларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1996 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқладилар.
Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сақкизинчи сессияси ўзини тугатди. (ЎЗА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИ

25 апрель кунини Вазирлар Маҳкамасида жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги масалага бағишланган мажлис бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, давлат кумиталари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.
Мажлисни республика Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.
Йиғилишда Истиқболнинг белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи уринбосари Ш. Гафуров, Бош вазир уринбосари — молия вазири Б.Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов мазкур масала юзасидан ахборот берди.
Мамлакатимизда 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган. Шу боис ҳам ижро этишни ҳокимият ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолияти инсон манфаатларини рўйбга чиқариш борасидаги тadbirlar дастурини бажаришга қаратилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида республикада ялпи ички маҳсулот ҳажми 101,7 фоизга ўсди. Иқтисодиётдаги ижобий силжишларнинг мустақамлашга эришилди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 104,2 фоизни, истеъмол товарлари 109,1 фоизни, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 112,4 фоизни ташкил этди. Умумий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг тегишли давридагига қараганда 10 фоиз, жумладан, хорижий инвестициялар икки баравар ортди.
Нефтни қайта ишлаш, газ, рангли металлургия, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси тармоқлари барқарор ривожланди. Ташқи савдо обороти 1,4 баравар, маҳсулотларни экспорт қилиш 1,3 баравар ўсди. Ташқи савдо балансида ижобий натижага эришилди.
Айни вақтда мажлисда кўпгина корхона ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳоли кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Усимлик ёғи, кирсовун, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, айниқса қишлоқ жойларда истеъмол бозорини тўлдирish талаб даражасида эмас. Айрим вилоятларда нақд пул эмиссиясини камайтириш борасидаги тadbirlar ҳамон кутилган натижани бермапти.

ЕВРОПА ВА ОСИЁНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

25 апрель кунини Тошкентда Андижон — Үш — Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланган халқаро кенгаш иш бошлади. Уни республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Журабеков очди ва Президент Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги доимий вакили Халид Малик, Қирғизистон Бош вазирининг биринчи уринбосари К. Нанаев ҳамда ХХР коммуникация вазирлиги лойиҳалаштириш бошқармаси директорининг уринбосари Гу Мин сўзга чиқдилар. К. Нанаев Қирғизистон Президенти А. Ақаевнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Хитой, Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Украина, Грузия, Озарбойжон, Германия, Болгария, Руминия, Покистон, Эрон, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари ҳамда БМТ, Жаҳон банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, «Тасис» дастури, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этаётган ушбу анжуманда Буюк ипак йўлини тиклаш, Марказий Осиё минтақасида юзага келган янги давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жаравини жадаллаштириш мақсадида янги транспорт алоқаси тармоқларини вужудга келтириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. Айниқса, қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, яъни Марказий Осиё ва Хитой, Покистон, Ҳиндистонни бир-бири билан боғлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Үш — Қашқар йўналишини ушбу халқаро кенгаш кун тартибидеги энг долзарб мавзу бўлди.
Зеро, қадимда кўплаб мамлакатлар учун ягона алоқа тармоғи вазирасини утаган Буюк ипак йўлининг тикланиши Осиё билан Европани боғлайдиган узага хос кўприкка айланиш билан бирга, мазкур минтақалардаги давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, қолаверса, тинчлик ва барқарорликнинг муштаҳамланишида ҳам муҳим омил бўлади. Шу боис, айтиш пайтда автомобиль йўли билан бирга Андижон — Үш — Қашқар йўналишидаги темир йўл магистралини барпо этиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўзбекистонлик ва қирғизистонлик мутахассислар ушбу магистраль қурилишининг жуғрофий, физикангий, техник томонларини урганиб, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.
Халқаро кенгаш иши мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида «Андижон — Үш — Саритшо — Ирқештам» автомобиль йўлини ҳамкорликда лойиҳалаштириш, қайта қуриш ва фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди.
Шунингдек, кенгаш йиғилишида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, «Узавтйўл» давлат ҳиссadorлик концерни раҳбарлари ҳамда БМТнинг тараққиёт дастури мутахассислари, хитойлик ва қирғизистонлик вакиллари Осиё — Европа кўпригини барпо этиш борасидаги тадқиқотлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.
Анжуманда Бош вазир уринбосари Р. Юнусов иштирок этмоқда.
Халқаро кенгаш 26 апрель кунини ўзини давом эттирди. (ЎЗА).

Олим-у мутахассисларимизга вексель сузи ва унинг ҳожириги тилдан узбекчага утирилганда айирбошлаш, деган маънони билдириши аввалдан жуда яхши маълум. Фақат унинг баъжарадиган вазифаси ҳақида гап кетганда, соф иқтисодий хизматни унутиб, советча сисий тун кийитилган, ушбу оддий қимматбаҳо қоғоз капитализм таназзулининг даракчиларидан бири, қороналар уртасида кучайиб бораверадиган тулов ноқобиллигини қоплаш учун қўллангандиган восита сифатида талқин қилинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига бошқичма-бошқич утиш йўлини танлагач, биз ҳам эски тизим қоралаб келган бу қимматбаҳо қоғоздан фойдалана бошладик. Унинг муомаласига киритилганига икки йилдан сал ортиқ вақт утапти. Лекин у ишлаб чиқариш самардорлигини ошириши, пул маблағларининг айланшини тезлатишга уз хиссасини қўшапти.

Ушбу кезлар вексель бир шаҳар еки мамлакатдан иқтисодига пулни ўтказиш учун хизмат қилган бўлса, у тез орада тижорат қарзларини амалга ошириш вазифасини ҳам утай бошлади. Савдогарлар молларини бир-бирларига қарзга бериб, уни вексель ердимида узиш расмага кирди. Урта асрга келиб бу усул янада кенгайди. Энг машҳур ва йирик яр-га бўлилади. Утказма вексель-товар олдиротисига эзилган вексель берувчининг товар пулини уни қабул қилиб олувчига (яъни товар эгасига) учинчи бир шахс томонидан тулов берилиши лозимлигини (вексель берувчининг буйруғини) ифодаловчи ёзма ҳужжат. Вексель берувчи фақат тулав берувчига (учинчи шахсга) мулкки, пули ҳолатдагина утказма векселини эзиб бера олади.

Оддий вексель бир кишининг (вексель берувчининг) бошқа бир маълум шахсга (дастлабки олувчига) еки унинг буйруғи билан сузсиз равишда белгиланган мулдатга еки талаб қилинган вақтда маълум пул унинг қороналар тулов қобилиятини ургангилмасдан чиқарилиши еки берилиши, айрим ҳужжатлар томонидан мулдатга етиб келган векселлар буйича туловларнинг кечиктирилиши — ана шулар жумласидандир. Уз навбатига бозор муносабатларининг ривожланиши ва чуқурлашиб бориши ҳам, уз-уздан векселлар муомаласини, унинг механизмини янада такомиллаштириб боришни тақозо қила бошлади.

Мамлакатимиз Президентининг 1997 йил 19 мартда эълон қилинган «Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги қазий банк жавобгардир. Ушбу Фармонда улар зиммасига янада залвордорлик вазифалар юклатилган. Хусусан, тижорат банклари вексель кафолатини, уни берувчининг молиявий ҳолатини текширади, қорона тулов қобилиятига эга булган тақдирдагина ликвид активларининг гарови шартномасини ва вексель кафолатини расмийлаштирилади. Бу эса, уз-уздан равшанки, векселларнинг ликвидлигини, унга булган ишонччи, унинг туловининг уз вақтда амалга оширилишини таъминлайди.

Хатлар Хатлар... Хатлар

ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСА

Ҳадемай олий ва урта махсус укув юртларига қабуллар бошланади. Маълумки, бунинг учун анчамунча қоғоз-ҳужжатлар туллаш зарур. Фараз қилайлик, битта укув юртига режа буйича 400 талаба қабул қилинади. Амалда эса беш-ун барабар кўп талабдор келади. Энг ками — беш барабарни олганимизда ҳам 2000 абитуриент ҳужжат топширади. Шуларни ҳаммасидан аттестат, ариза, тўрт дона сурат, тиббий ҳулоса (86-форма) ва бошқа ҳужжатларни алоҳида папкага солинган ҳолда олиб келиш талаб этилади. Тест синовлари утгач, энг юқори балл олган 400 талабанинг ҳужжатлари олиб қолинади-ю, 1600 абитуриентга қайтариб берилади. 1600 та ариза, сурат, тиббий ҳулоса ва бошқа ҳужжатлар бекор бўлади, 1600 дона папка ташлаб юборилади. Қанча қоғоз, қанча маблағ исроф бўлади. Бунча ҳужжатни тайёрлаш, туллаш учун абитуриентлар қанча вақт, асаб сарфлашади, ота-оналар овора булишади, поликлиникаларда навбат кўпади, қолаверса укув юртларида шунча ҳужжатни куздан кечириб қабул қилиб олиши, кейин қайтариб бериши ташкил этиш учун қанча ходим банд бўлади, озми-кўпми чалкашлиklar юз беради. Ҳужжат топширишининг узига бир-икки кун, қайтариб олишига яна бир-икки кун югуришга тўғри келади.

Хуш, нима қилиш керак? Мени таклифим шундай: укув юртига яхши ният билан келган талабанинг тақдирини ҳали ҳал қилинмаган экан, у қабул қилинадими, йўқми, номаълум. Шундай экан, ундан бир папка ҳужжатни қабул қилиб олиш урнига паспорт, аттестатини куриб, номерларини қайд этиб, қайтариб бериш, тест синовларида катнашувчилар руйхатига киритиш, тест ҳужжатларига ёпиштириш учун бир дона сурат олиш кирфоя. Умумий соғлигини, тест синовларига яроқлигини билиш зарур бўлса, бир шифокор шу ерда утириб тезкор текширув утказиши мумкин.

Тест синовлари даврида ҳам тиббий постлар бўлади. Тест синовлари утиб, талаба укув юртига кириб уқиш учун етарли балл туллаганлиги маълум булгандан кейин ундан тулик ҳужжатлар, жумладан, тиббий ҳулоса, қалин папка талаб қилиниши лозим. Шунда қанча оворагарчиликлар, озми-кўпми ортиқча чиқимларнинг олди олинади.

Мамасоли АБДУРАҲМОНОВ, Наманган вилояти.

МАҲАППАДА ЭЪЗОЗЛАШ КУНИ

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 1-Чарх-Камолон маҳалласида фахрийлар ва кўп фарзандли оилаларга бағишлаб қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Шундай тадбирлардан бири ва энг мароқлиси маҳалла гузарининг ҳашаматли залида бўлиб ўтган кўп фарзандли оилаларни эъзозлаш кеча-сидири.

Бу кечанинг иштирокчилари, шунингдек сабабчилари 8 ўғил-қиз, 50 га яқин неваравараларнинг отаси ва бобоси — 92 ёшга кирган Ҳайитбой хожи Отажонов, 60 фарзанднинг суюли ва қадрдон отаси ва бобоси — 86 ёшли Худойберди Мусаев, 7 ўғил-қиздан 30 неваравараларнинг нуридийдаси — 70 баҳорни қаршилаган Абдуманноп хожи Расулов бўлдилар. Бу фахрийларни маҳалла вакиллари чин кўнгилдан мурабоб етдилар, улар шаънига илиқ сўзлар айтиб, боқий умр тиладилар, совға-саломлар топширдилар. Ўғил-қизлари, келин-неваралари ҳам уз оталари, боболари билан бахтли ва мамнун эканликларини айтиб, уларга гуллар ва совғалар топширдилар.

Абдурахмон ЗИЁТОВ.

КУНДУЗ ЁҚИБ, КЕЧАСИ ҲИРИШАДИ

Электр чироқлари асосан тунда керак. Кейинги пайтларда қўрғонимизда электр чироқлари кундуз ёниб, кечаси ўчадиган бўлиб қолди. Кечкурун ишдан ҳориб-чарчаб келиб, энди ҳордик чиқараман, деб турганингизда лип этиб уқиди-қолади. Шу буйи қуёш чиққунча ёнмайди.

Кўп жойларга арз қилдик. Бироқ нафи бўлмапти. Ҳужалигимиз электр тармоқлари қоронасидан қарз эмиш. Тўғри, қарзни тулаш лозим, бироқ ҳозир ҳужалигимизнинг молиявий аҳвали чатоқ. Аммо қул қовуштириб утирганимиз йўқ. Насиб қилса, бу йил ҳосилимиз мўл бўлади. Барча қарзлардан қутуламиз.

Бизни таажжубга солаётган нараса шуки, электр-ни узиб қўйиш билан қарзни қамайтириш мумкинми? Ахир электр қуввати буюм ёки мол эмаски, бироқ жойга йиғиб, яшириб қуйсанг-да, кейин фойдалансанг. Бизнингча, электр тармоғи қоронасининг чироқларимизни кечаси учириб қуйиши аҳолининг гашига тегишдан бошқа нарса эмас.

Х. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Э. БОЛТАЕВ, Жиззах вилояти Арисой тумани «Самарқанд» деҳқон ҳўжалиги уюшмаси.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукнини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.

Иқтисодий шарҳ ИНТИЗОМГА ҚЎРА САМАРА ЁКИ ВЕКСЕЛЬ НИМА?

маркарларда махсус вексель қўларни уюштирилиб, савдолар фақат қимматли қоғозлар воситасида утказилар эди. Республикада вексель, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги «Халқ ҳужалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг уз вақтда амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тулов интизомини мустақамлаш чораларини таъминлаш» қарорига кўра муомаласига киритилди.

Хуш, аслида векселнинг узни нима? Узининг икки йиллик фаолияти давомида республикамиз иқтисодига қандай наф келтирди?

Илмий алабелларда векселнинг вазифаси қуйилганча таърифланади: вексель, авваламбор, бир шахс томонидан иқтисодига эзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғознинг бир шаклидир. Уни ҳар қандай туловга қўйиб шахс эзиб бериш ҳуқуқига эга. Вексель сотилиши, кредит сифатида берилиши ва бирон-бир олдиротисиди битимида ҳисоб-китоб, тулов воситасида ишлатилиши мумкин.

Қўланиш нуқтаи назаридан векселлар утказма ва оддий векселлар

маблагини тулаш мажбуриятини уз ичига олган ёзма ҳужжатлар.

Бизнинг республикамизда юқорида қайд этилган Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги Қарорига кўра оддий векселларни муомаласига чиқаришга рухсат берилди. Даставвал уша йилнинг апрель ойида «Ғаллабанк» ва «Туронбанк»нинг, июнь ойига бориб «Пахта-банк», «Усаноатқурилишбанк», «Узсавдогарбанк», «Узевесабзавотбанк»нинг жами 960 миллион сумлик қимматли қоғозлари тулов воситасида ишлатили бошлади. Худди шу даврда халқ ҳўжалигида тулов воситасида 10 миллиард 535 миллион сумлик ҳужалиқларнинг векселлари ҳам муомаласига чиқарилиди. Бир сумлик вексель камида 5-6 сумлик қарни узишга хизмат қилишини ҳисобга олсак, тижорат банклари ва қороналар томонидан чиқаришдан дастлабки эмиссиянинг халқ ҳўжалигига келтирган фойдасини тушуниш қийин эмас. Умуман олганда, у жорий этилгандан бун ҳозирга қадар 375 миллиард сумдан ортиқ узаро ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши ва товар бойлиқларнинг ҳаракатида булишига эришилди.

Вексель муомаласи иқтисодиётимиз учун янги жараён булганлиги учун баъзи бир нуқсонлар учраб турар, муаммоларга дуч келиб қолилар эди. Вексель рекузитларини расмийлаштиришдаги камчиликлар, ра-тадбирлар тўғрисидаги Фармони йул қўйилган камчиликларни бартараф этган, муаммоларни хал қилган ҳолда векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштиришга, молиявий интизомни мустақамлашга хизмат қилади.

Аваллари векселлар бир йилгача булган мулдатга чиқарилиши мумкин эди. Эндиликда Фармонга мувофиқ, мулкчилик шаклларида қатъи назар молиявий барқорор қороналар ва ташкилотлар, шунингдек тижорат банклари узози билан уч ой мулдатга, алоҳида ҳолларда эса, 6 ой мулдатгача векселлар чиқариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқдан қорона ва ташкилотларга вақтинча етишмаётган пул маблағларини қоплаш ҳамда аниқ етказиб берилаётган товарлар (ишлар ва хизматлар) учун ҳисоб-китоблар қилиш макседидагина фойдаланиш мумкин булади. Шу билан бирга вексель чиқарувчи субъектлар уз қимматбаҳо қоғозларини чиқаришдан олдин хизмат курсатуви банкнинг кафолатига, яъни халқаро иқтисодий тил билан ифодаланганда аввалгига эга булиши лозим.

Маълумки, бизда вексель муомаласи билан боғлиқ ҳамма жараёнлар учун тижорат банклари ва Мар-

абдурауф қоржовов. Абдурауф ҚОРЖОВОВ.



Деҳқон ризқи далада. Р. ЖУМАНИЕЗОВ (Ўза) олган сурат.

ХўЖАКЎРСИНМИ — ЙЎҚ

Шуро даврида латифаноматилга тушиб кетган бир воқеани кўчлик яхши эсласа керак. Катталаримиздан бири чекка вилоятларга кетаётиб йул-йўлакка янги қўрилган маъмурий бинога қўниб утадиган бўлибди. Бино сохиби у кишининг кўкчамзор, дарахларга алоҳида эътибор беришидан хабардор экан. Меҳмоннинг келишига тоғдан 20-30 туп арча келтириб, янги қўрилган бино атрофига чуқур қовлатиб, кўмдириб чиқибди. Каттаими, табиийки, арчаларни шу тўғроқда қуариб, яшнар тўрибди деб уйлабди ва учар ташаббускорни: «Шундай жазирамада ҳам арча устирса буларкану, «каловини топса, қор енади, деганлари шу-да» деб мактабди.

Кечаси сула бошлаган арчалар йиғиштирилиб, кўз кўрмас жойларга улоқтирилибди. Бевақт завол булган оғоч, шунча одамнинг сувага булган оворагарчилиги — захматлари эвазига бир амалдор иқтисодидан эл қузида олқиш олибди, холос. Галвирни сувдан қутарганда шундан бошқа ҳеч вақо йўқ. Халқимиз шу ва шунга ушшаган воқеаларни «хўжакўрсинга», «қўзбўмаччилик», «расмиятчилик» деб атади. Исми турлича бўлсада-да, моҳияти бир-бирига яқин бу тушунчалар шуро даврида жуда илдиш отиб, томир ёйганди.

Институтни битказиб мактабга бордим — кечки синфлар журналлари бор эди. Муаллимлар жур-

нал тулдирар, консепт езарди, маош ҳам олинарди. Аммо рўйхатдаги укувчиларнинг бирортаси дарсга келмас, умуман, дарслар уззи бўлмасди. Баъзан муаллимларимиз орасида «Кечкини текширишга келишибди», деган гаплар урларди, пул йиғиларди, ош қилинарди. Тафтишчилар еб-ичиб, журналларни текшириб, уз навбатларида қоғозларини тулдириб, изига қайтишарди.

Бундай «хўжакўрсин»лар деярли ҳамма ташкилотда бор эди — утказилмаган махлислар утказилди, деб қарорлар езиларди, сисий ўқишлар, турли тадбирлар ҳам кўпроқ қоғозда эди. Аста-секин бу «хўжакўрсин»лар улгайиб, қандай оқибатларга олиб келгани аён. Кўшиб езиларди, кўп миң килограмм теримчилар, бир йула ун ишчининг ишини қўйиллатадиган «юлдуз-ишчилар».

Шуро империясининг қулами баробарида бу елгонларнинг ҳам чуви чқиди... Аммо «хўжакўрсин»чилик, кўзбўмаччиликнинг маънавиятимизда ҳосил қилган упирилишлари ҳали ҳам сезилиб турибди. Ҳали ҳам бизнинг уша иллатларга баъзида мойиллигимиз бор.

Яқинда шў юзасидан беморнинг касаллик варақасини куздан кечирдим: миңг хил даво усуллари езилган — бемор билан суҳбатлашганимда езилганларнинг

кайфият бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган қўрқув билан боғлиқ, назаримиз.

«Ишдан келаятсам, икки укувчи (нари борса, 10 ешларда) суҳбатлашиб келишяпти.

«Бизда бугун очик дарс булди. Устозимиз адашиб кетдилар. — Қанақа қул? — Кеча «Шеврени Сурайе билан Гулнозадан сурайман, қолган ҳамманг шунчаки қул кутариб утирасан» дегандилар. Адашиб, Элмирадан суровдилар... — Кейин-чи? — Элмира оғзини очиб тураверди, устоз: «Эсингдан чқидими, майли, эсинга келса, айтарсан» деб утказиб қўйди...

Мен болаларнинг устозидан гойибона ранжидим, нега бу масъум қалбларга ҳозирдан кўзбўмаччилик уругини соцади? Шунча берган таълим-тарбиясини ювиб ташлайди-ку биттагина шу воқеа?!

Бўнақа мисолларни талайгина келтириш мумкин — ва уларнинг ҳар бири катта иллат. Улардан қутилмасак, маънавиятимизнинг бир тарафи заиф бўлиб қолаверди. Биз қачон қўлимиздан келган ишни бажариб, қолганига имконсизлигимизни очик айтсак, ердан сурашга ҳадиксирамасак, умуман, узимизни бор-боримизча тақдим этишга одаatlanсак, оғимиз ерда мустахамроқ туради. Ҳар қандай қўзбўмаччилик, хўжакўрсин — бу омонат тасаллидир, у тайғоқ, сиргалувчан. Биз шу ҳақиқатни ҳар лаҳзада ҳис этмоғимиз зарур.

ҚУТЛИБЕКА.

Хусусий тадбиркорлик

ТОШҲУЛАТОВНИНГ СИГИРЛАРИ ОСМОНДАН ТУШГАН ЭМАС

Кумқурғонда Холтуря Тошпулатов деган одам бор. «Лаззат» ҳиссалорлик (умумий овқатланиш) жамияти раиси. Бугун оиласи билан чорвага қизикади. Тургта ситирлари бор. Ҳаммаси соғин. Шаҳар озиқ-овқат дуконига Тошпулатов ҳар кун 35-40 килограмм сут олиб келади. Бир йилда урта ҳисобда 12 тонна сут сотган оила бу тадбиркорликдан 40 миңг сум даромад олади.

Қуралида 13 миңга яқин ситир боқатган фермер ва мулкдорлар, жамоа ҳужалиқларининг олий маълумотли зоотехник ва мудирлари ҳам бун қилмади (Тошпулатовчасига) ишлаганларидими ва аҳолининг қўлидаги ситирлар маҳсулдорлиги маълумотларда андек ошганлиги курсатилганда-ми, сут ишлаб чиқариш курсаткичи рақам икки бараварига катталашган буларди.

Илова: утган йили Сурхондарёда 294424 тонна сут ишлаб чиқарилиди. Ҳар бир ситирдан жамоа ҳужалиқлари 520, фермерлар 556, мулкдорлар 595 килограммдан сут етиштирдилар. Аҳолининг қўлидаги ситирлардан бўлса 1600 килограммдан сал ошқик сут соғиб олганган. Ҳулоса чиқаришши эса укувчимизга ҳавола этилик.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОСИЁ

ЧЕМПИОНЛАРИ

Мугулистон пойтахтида самбо кураши буйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон спортчилари 8 та олтин, 5 та кумуш, 10 та бронза медалига эга бўлишди.

БИЛЛУР СОВРИН

ИЛИНЖИДА

Эртага Биллур соврин — Ўзбекистон кубоги учун дастлабки 1/32 финал учрашуви иштирокчилари уртасида тақририй уйинлар бўлади.

МАЙДОНДА

«ХАВАС»ЧИЛАР

Республика «Хавас» мусобақасига қизгин

ҳозирлик кўрилмоқда. Теннис буйича иккинчи марта ташкил этилаётган бу мусобақада муваффақиятли иштирок этиш учун жойларда узига хос саралаш баҳслари ўтказилмоқда.

Спорт

СУРАТКАШ

ХОТИРАСИ

Олтириқлик сураткаш Маҳмуджон Санжиновнинг номини кўпчилик хурмат билан тилга олади. Унинг дид билан олган ёрқин ва мазмунли суратлари марказий газета-журналларда чоп этилган.

ЖУМА, 2

6.30 — 8.00, 17.50 — 22.35 Россия жамоат телевидениеси. 22.35 Ўзлонлар. 22.40 «Бахоринг ўн этти лаҳзаси».

ШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

ЯҚШАНБА, 4

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 26-aprel, shanba № 49 (22.133).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ИХЛОС—ДАРДДАН ХАЛОС

Бу воқеага хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг. Лекин булган воқеа. Гап шундаки, 10 кунча тушак қилиб, этиб қолдим.

Ўн саккиз МИНГ ОЛАМ

ди. Табибнинг уйдан сопа-соғ, қушдек енгил тортиб чиқдим. Ихлос — халос, деганлари шу бўлса керак-да.

КЎЧҚОРНИНГ «ҚИЛИФИ»

Иккита бақувват қучқор боқиб қўйганим. Бир гал тартибни бузиб, қатгаси қолиб, кичик қучқорни қурага қўйиб юбордим.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

Свердловск вилоятининг Пригород туманига қарашли «Победа» ширкатиининг бир ишчиси ширкат бошқарув хайъати йўл қўйган ноҳақлик учун арилар ёрдамида ўч олди.

Внимание! руководителей автопредприятий! Ташкентский филиал АО УЗАСК «Нүловчи» предлагает к реализации запчасти на автомобили

- ГАЗ-24
Вылка сцепления
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Втулки резьбовые
ГПГ (4 галы.+ Апор.)
Генератор Г-254
Диск сцепления Г-24
Карбюратор К-126Г
Катушка зажигания Б-117
Корзина Г-24
Накладки тормозные
Отбойники зад. рес.
Подушка перед. Г-24
Подшипник 7607
Распред. заж. (злектр)
Стартер Г-24
Стойка передняя
Уплотн.-ль лоб. стекла
Шаровые пальцы в сб.
УАЗ
Кардан передний 452
Кардан передний 469
ГАЗ-53
Амортизатор Г-53
Болт шестерн КПШ
Болт шатуна с сайкой
Вал первичный
Втулки распредела
Дверь Г-53
Диск сцепления ведом.
Замок двери
Капот
Карбюратор Г-53
Клапан выпускной
Клапан выпускной
Клапан Г-53
Крестовина в сборе
Крыло
Маслоремник
Накладки сцепления
Накладки торм. задн.
Накладки торм. перед.
Плодки картера
Подшипник выжимной
Провод выс. напржж.
Проклад. гол. блока
Распылитель КАМАЗ
Ремень 8,5-8-1280
Ремень ком. электр. 1320
Рем.-т сист. охладжен
Ремкомп.-т вод. насоса
Рычаг сцепл. с подшип

«СЕНИМ, ШОШМАЙ ТУР»

Бугульмалик 80 ёшли кампир ён қўнисиға «телефон жанги» бошлади. Улар узоқ йиллар жуда ахил яшашганди.

«СЕНИМ, ШОШМАЙ ТУР»

Бугульмалик 80 ёшли кампир ён қўнисиға «телефон жанги» бошлади. Улар узоқ йиллар жуда ахил яшашганди.

Ишбилармонлар диккатига!

Республикада биринчи марта

Замонавий кичик-технология ва қишлоқ хўжалиги учун ускуналар

СОТУВ КЎРГАЗМАСИ

AGRO TECH - 97

Илгор технологияларни ўз кўзингиз билан қўриб танишишдек, ускуналарни танлашда тўғри хулоса қилиш ва унга эга бўлиш шартномасини расмийлаштиришдек бўлган камдан-кам инновацияни қўлдан бой берманг.

Кўрғазманинг ишлаш вақти: 13 май 14.00-18.00, 14, 15 май 10.00-18.00, 16 май 10.00-16.00. Кўрғазма манзилгоҳи: Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 107. Кўрғазма хонийлари: Ташки иқтисодий алоқалар назарлиги, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки. Кўрғазма ташкилотчиси: «Узінвестлојиҳа» компанияси. Мурожаат учун телефонлар: 33-63-43; 68-53-24; /fax/40-66-41.

Ўзбекистон овози

Муассис: Ўзбекистон халқ демократик партияси марказий қангаши. Бўлимлар: Мафкура ишлари ва партия хайъти — 33-07-20, 36-33-40. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06. Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40. Халқаро ва оммавий ишлар — 33-76-04. Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Халқаро ҳаёт — 33-20-36. Саноят, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20. Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80. факс — 33-54-55. Випоят мухбирлари: Андисонда — 24-16-48; Бухорода — 23-80-06; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-31-86; Наманганда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 33-00-52; Тошкентда — 33-12-56; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 22-36-78; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24. Манзиллимиз: 700000. ТОШКЕНТ. МАТВУДЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқаруви. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир А. РУЗИЕВ, навбатчи С. ЙУЛДОШЕВА. Рўйхатдан ўттиш тартиби №00120. Газета офсет усулида А-2 форматда 33 824 нускада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўриб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. Г — 0211. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.30. 1 2 3 4 5 6. СОТУВДА ЭРКИН НАРҚДА

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир хайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислам ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Алмикул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»). ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА. МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚАНГАШИ. БЎЛИМЛАР: Мафкура ишлари ва партия хайъти — 33-07-20, 36-33-40. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06. Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40. Халқаро ва оммавий ишлар — 33-76-04. Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Халқаро ҳаёт — 33-20-36. Саноят, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20. Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80. факс — 33-54-55. ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ: Андисонда — 24-16-48; Бухорода — 23-80-06; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-31-86; Наманганда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 33-00-52; Тошкентда — 33-12-56; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 22-36-78; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24. МАНЗИЛИМИЗ: 700000. ТОШКЕНТ. МАТВУДЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқаруви. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир А. РУЗИЕВ, навбатчи С. ЙУЛДОШЕВА. Рўйхатдан ўттиш тартиби №00120. Газета офсет усулида А-2 форматда 33 824 нускада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўриб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. Г — 0211. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.30. 1 2 3 4 5 6. СОТУВДА ЭРКИН НАРҚДА